*Ўзбекистон — келажаги буюк давлат*

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

19 август, сешанба, 1997 йил

Сотувда эркин нархда. № 172 (1689)

# ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 17 август куни Америка Қўшма Штатларининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги доимий вакили Билл Ричардсонни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари Б. Ричардсонни самимий қутлаб, ушбу ташрифни АҚШда Ўзбекистонга ва умуман Марказий Осиё минтақасига қизиқиш тобора ортиб бораётганининг яна бир белгиси, дея изоҳлади.

-- Биз ҳамиша АҚШнинг Марказий Осиё билан ҳамкорлигини кенгайтириш ва чуқурлаштириш тарафдори эканимизни таъкидлаймиз, -- деди Ислом Каримов. -- Марказий Осиё минтақаси ўзининг мўл-кўл табиий захиралари, иқтисодий салоҳияти ва стратегик аҳамиятга молик бўлган жуғрофий-сиёсий жойлашуви билан XXI асрда жаҳон сиёсатида муҳим ўрин эгаллайди.

АҚШнинг БМТдаги доимий вакили самимий қабул учун Президентга миннатдорлик билдирди.

Суҳбат чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш, шунингдек, минтақавий хавфсизлик билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Қабул маросимида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси В. Норов, ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

Қабул маросимида АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси С. Эскудеро ҳозир бўлди.

* * *



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 18 август куни Жанубий Кореянинг «Самсунг Электроникс» компанияси раиси ва ижрочи директори Канг Ку Жинни қабул қилди.

«Самсунг Электроникс» компанияси мамлакатимизда хорижий сармоядорлар учун яратилган шарт-шароитни, бозорлар ва иқтисодий инфратузилмаларни узоқ вақт мобайнида тадқиқ қилди. Эндиликда бу компания Тошкентдаги «Алгоритм» заводи билан ҳамкорликда бир неча турдаги маиший техника жиҳозларини ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда.

-- Ўзбекистон корхоналари билан сиз раҳбарлик қилаётган компания ўртасида ҳамкорлик алоқаларининг ўрнатилиши -- муҳим воқеа, -- деди Ислом Каримов.

«Самсунг Электроникс» компанияси раиси ва ижрочи директори Канг Ку Жин Ўзбекистонга сармоя киритиш шарт-шароитини тадқиқ қилиш учун анча вақтни кетказганидан афсус билдириб, бу йўқотишни тез орада самарали йўллар билан қайта тиклаш ва ҳамкорликни жадал суръатлар билан давом эттириш нияти борлигини маълум қилди. Чунки, деб таъкидлади кореялик меҳмон, Ўзбекистонда хорижлик сармоядорлар учун барча шарт-шароит яратилган. Биз бу борада беҳуда иккиланган эканмиз.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон корхоналари билан «Самсунг Электроникс» ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Қабул маросимида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси В. Норов, ташқи иқтисодий алоқалар вазири Э. Ғаниев, «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси раиси Р. Саримсоқов иштирок этди.

**(ЎзА).**

***СУРАТЛАРДА: қабул пайти.***

**А. ТЎРАЕВ ва Р. ЖУМАНИЁЗОВ олган суратлар.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

## ФАРМОНИ

## РЕСПУБЛИКАДАГИ БИР ҚАНЧА НЕФТЬ ВА ГАЗ САНОАТИ ҲАМДА ТРАНСПОРТ, ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ИШЧИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

**Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга, халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга қўшган салмоқли ҳиссаси, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг биринчи навбатини қуриш ва уни муддатидан илгари ишга туширишдаги, Алан, Шўртан, Кўкдумалоқ конларида, Муборак газни қайта ишлаш заводида янги қувватларни ишга тушириш ва уларни ўзлаштиришдаги фидокорона меҳнатлари ҳамда ижтимоий ҳаётда фаол қатнашаётганлиги учун қуйидагилар мукофотлансин:**

### «МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

**Бегматов Ҳусан** -- «Ўзнефтгазқазибчиқариш» бирлашмасига қарашли «Муборакгаз» газ конлари бошқармасининг ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш-механизациялаштириш бўлими бошлиғи

**Бурҳонов Болта** -- «Ўзсаноатхўжаликқурилиш» давлат корпорациясига қарашли «Ўзқурилишмеханизация» акциядорлик жамияти 220-механизациялашган кўчма колоннасининг кран машинисти

**Икромов Нуритдин Чориевич** -- «Ўзсаноатхўжаликқурилиш» давлат корпорациясига қарашли «Бухороқурилиш» акциядорлик жамияти 6-қурилиш-монтаж фирмасининг дурадгорлар бригадаси бошлиғи

**Мусаев Музаффар Зарипович** -- «Ўзсувқурилиш» давлат концернига қарашли «Бухоросувқурилиш» тресты 81-махсус механизациялашган кўчма колоннасининг экскаватор машинисти

**Наплёков Владимир Степанович** -- «Ўзэлектромонтаж» бирлашмасига қарашли Бухоро монтаж бошқармасининг электромонтажчилар бригадаси бошлиғи

**Саксонов Саттор Сафарович** -- «Ўзнефтгазқурилиш» бирлашмасига қарашли очиқ турдаги «Бухоронефтзаводқурилиш» акциядорлик жамияти 2-ваколатхонасининг ғишт терувчилар бригадаси бошлиғи

**(Давоми 2-бетда).**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

## ФАРМОНИ

## БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИНИНГ БИРИНЧИ НАВБАТИНИ ВА КЎКДУМАЛОҚ КОНИДАГИ КОМПРЕССОР СТАНЦИЯСИНИ ҚУРИШ ВА УНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ИШГА ТУШИРИШДА ФАОЛ ҚАТНАШГАН ХОРИЖИЙ МУТАХАССИСЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

**Ўзбекистон Республикаси билан хорижий давлатлар ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашда эришган муваффақиятлари, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг биринчи навбатини ва Кўкдумалоқ конидаги компрессор станциясини қуриш ва уни ишга туширишдаги фидокорона хизматлари учун қуйидаги хорижий мутахассислар мукофотлансин:**

### «ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

**Кеннет Джеймс Аллен** -- Америка Қўшма Штатларининг «М.Ю.Келлог» компанияси жаҳон савдоси бўйича вице-президенти

**Этьен Гори** -- Франциянинг «Текнип» компанияси 3-зонасининг бошқаруви директори

### ҚУЙИДАГИЛАР «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ» БИЛАН МУКОФОТЛАНСИН:

**Аллан Уотерс** -- Америка Қўшма Штатларининг «М.Ю.Келлог» компаниясидан Кўкдумалоқ конидаги компрессор станцияси қурилиши лойиҳасининг директори

**Брюно Де Лескен** -- Франциянинг «Текнип» компанияси 3-зонасининг тижорат директори, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи лойиҳасининг директори

**Мавиди Христофор Харилаевич** -- Қозоғистон Республикаси «Химмонтаж» акциядорлик жамиятининг вице-президенти - Жанубий Қозоғистон монтаж бошқармасининг бошлиғи

**Метин Ердогмуш** -- Туркиянинг «Гама» компаниясидан Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи технологик қисми қурилишининг директори.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1997 йил 18 август.

*● ОЛИЙ МАЖЛИС СЕССИЯСИ ОЛДИДАН*

# МУҲОКАМА ДАВОМ ЭТМОҚДА

***Аввал хабар қилинганидек, республика Бош вазири ўринбосари Алишер Азизхўжаев бошчилигида Олий Мажлис Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари П. Қодиров, республика олий ва ўрта махсус таълим вазири О. Салимовдан иборат гуруҳ Олий Мажлис сессияси кун тартибига киритилган «Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур» ҳамда «Таълим тўғрисида»ги қонун лойиҳаларини муҳокама этиш мақсадида Тошкент, Хоразм, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари ва Тошкент шаҳрида бўлиб, депутатлар, ҳокимлик ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда маориф ходимлари билан учрашдилар.***

***Мухбиримиз қўмита раиси Пиримқул ҚОДИРОВдан ана шу сафар таассуротлари ҳақида гапириб беришни сўради.***

-- Ростини айтсам, мен бунчалик бўлади, деб ўйламаган эдим. Чунки ҳар иккала лойиҳа жойларда жуда катта қизиқиш уйғотди. Кўпчилик хабардор бўлса керак, сессия муҳокамасига киритилган «Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур» лойиҳаси ҳам, «Таълим тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам Президентимиз ташаббуси натижасидир.

Мени сафар давомида қувонтирган яна бир нарса шу бўлдики, мамлакатимиз фуқаролари республикамизда амалга оширилаётган улкан ишлар ҳар бир оила ҳаётига ижобий ўзгаришлар олиб киришини теран ҳис қилмоқдалар.

Ҳар иккала лойиҳа ҳам жойларда қизғин муҳокама қилинди, баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Муҳокамада ўша вилоятдан сайланган Олий Мажлис депутатлари ҳам фаол иштирок этдилар. Мен шу ўринда Азимбой Садуллаев (Хоразм вилояти), Абдуманноп Абдувосиқов (Тошкент вилояти), Зевар Ҳасанова (Самарқанд вилояти), Рустамбек Турдиев (Сирдарё вилояти), Тўрабек Долимов (Тошкент шаҳри) каби депутатларимиз номларини алоҳида тилга олишни истар эдим.

Маориф ходимлари, ўқитувчилар, жамоатчилик вакиллари ҳам лойиҳаларни асосан маъқуллаб кутиб олдилар. Йиғинларда 300 нафардан 500 нафаргача одам қатнашди. Миллий дастур ва таълим тўғрисидаги қонун лойиҳалари бўйича жуда кўп саволлар тушди. Буларнинг ҳаммаси халқимизда кадрлар тайёрлаш ва таълимни яхшилашга бўлган эҳтиёж ниҳоятда катта эканлигидан далолат беради.

**-- Ана шундай таклиф ва мулоҳазалар билан қўмитангизга ҳам мурожаат қилишаяптими?**

-- Дарвоқе, бошқа депутат ва жамоатчилик вакилларидан ҳам қўмитамизга таклиф ва мулоҳазалар битилган хатлар келиб турибди. Уларни зудлик билан ўрганиб чиқяпмиз. Бу таклиф ва мулоҳазалар Миллий дастур ҳамда қонун лойиҳаларини янада такомиллаштиришга ёрдам беради, деб ўйлайман.

**«Халқ сўзи» мухбири Исмат ХУДОЁРОВ ёзиб олди.**

# ЎЗБЕКИСТОНДА ҚЎШИҚ БАЙРАМИ КЕНГ НИШОНЛАНДИ



Пойтахтдаги «Туркистон» саройи икки кун давомида ҳар галгидан ҳам гавжум бўлди. Бу ерда мамлакатимиз мустақиллигининг олти йиллигига бағишланган «Ўзбекистон қўшиқ байрами»нинг якуний танлови ўтказилди. Ўзига хос санъат байрамига айланган бу тадбирда мамлакатимизда истиқомат қилаётган турли миллат ва элат вакилларидан қарийб минг киши қатнашди. Танловда таниқли шоир ва бастакорлар қатори кўплаб ҳаваскор ижодкорларнинг турли жанрларда яратган асарлари янгради. Ватан туйғуси, миллий ифтихор мадҳ этилган ўнлаб янги қўшиқлар санъат шайдоларида катта таассурот қолдирди. Нуфузли ҳайъат ҳар бир асарнинг мазмуни ва бадиий савияси, ижрочилик маҳорати ва саҳна маданиятини эътиборга олган ҳолда баҳолаб борди.

Танлов натижасига кўра, сурхондарёлик Норали Алланазаров фольклор этнографик дастаси билан ижро этган «Ватанимни куйлайман» қўшиғи биринчи ўринга сазовор бўлди. Иккинчи-учинчи ўринларни республика ўқувчилар саройи хор жамоаси, Ички қўшинлар бошқармасининг «Турон юлдузлари» дастаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Кумуш Раззоқова, «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмаси Наманган бўлими хонандаси Рустам Мамадалиев, самарқандлик Эркин Қайтаров, қорақалпоғистонлик Кенесбой Сержанов қўлга киритди.

* * *

Президентимиз Фармонига биноан, 17 август, якшанба куни мамлакатимизда қўшиқ байрами кенг нишонланди. Пойтахтдаги «Халқлар дўстлиги» саройи байрамнинг марказига айланди. Бу ерда «Ўзбекистон қўшиқ байрами» якуний танлови ғолиб ва совриндорлари, шунингдек, етакчи санъаткорларнинг катта концерти бўлиб ўтди.

Концертда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Ў.Раҳматов, Бош вазир ўринбосарлари А. Азизхўжаев, Д. Ғуломова қатнашди.

**(ЎзА).**

# ЙЎЛБОШЧИМИЗ КИТОБИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Ўзбекистон банклари ассоциацияси, унинг инфратузилмаси бўлинмалари ва Банк-молия академиясининг мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» деб номланган китобини ўрганишга бағишланган мажлиси бўлди. Уни академия ректори М. Очилов очди.

Мажлисда сўзга чиққанлар Президентимизнинг янги асари республикамиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа бўлгани, бу асар чет эл кенг жамоатчилигида ҳам ғоят катта қизиқиш уйғотаётганини таъкидладилар. Китобда жамиятимизнинг барқарор ривожланиши шарт-шароитлари кўрсатиб берилган. Унда кенг кўламли ўзгаришлар ва ҳамкорлик кафолатлари, бозор муносабатларининг қарор топиши ва мулкдорлар синфининг шаклланиши, маънавий қадриятлар ва миллий ўзликни англаш масалалари теран таҳлил этилган. Асар мамлакатимизда иқтисодиётнинг мунтазам ўсиши ва молиявий барқарорликни таъминлайдиган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, айниқса, банк тизимини комплекс равишда такомиллаштиришни таъминлашда ҳам муҳим дастуриламал эканлигига алоҳида эътибор қаратилди.

*● БИЗНИНГ ШАРҲ*

# ЯНА БИР ҒАМХЎРЛИК

***Юртимизда айни пишиқчилик. Бозорларга кирсангиз мева-чеваю қовун-тарвуз, турли сабзавот маҳсулотларининг кўплигидан бошингиз айланади. Гўшт ва гўшт маҳсулотлари, сут ва сутдан тайёрланган неъматлар кўзни қувонтиради.***

Бир сўз билан айтганда, ўзбекнинг қайси бозорига кирсангиз, сотилаётган маҳсулотнинг 90 фоизи озиқ-овқатга тегишли. Нарх-наво ҳам, инсоф билан айтганда, ёмон эмас. Юртимизда етиштирилган (қайта ишланган) жамики маҳсулот нисбатан арзон. «Ойнаи жаҳон»да ҳар куни реклама қилинавериб, меъдага теккан бир пачка чет эл сақичига 5 кило помидор ёки шунча пиёз, бир оила еб тугатолмайдиган қовун ёки тарвуз беради. Буларнинг бари юртимиздаги тинчлик ва осойишталик самараси, халқимиз меҳнаткашлиги, тупроғимиз сахийлигидан бир нишона. Мамлакат раҳбариятининг одамлар тинч ва осуда меҳнат қилишлари учун яратиб бераётган имконияти натижасидир.

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Давлат эҳтиёжлари учун асосий озиқ-овқат турларини харид қилиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» муҳим бир қарор қабул қилдики, таъбир жоиз бўлса, бу ҳам сиз билан бизнинг дастурхонимиз мўл-кўллиги йўлидаги яна бир катта ғамхўрликдир.

Маълумки, мамлакатимиз аҳолиси катта бир қисмининг озиқ-овқат таъминоти бевосита давлат томонидан амалга оширилади. Демак, миллионлаб одамлар дастурхонининг нечоғлик тўкис бўлиши ана шу қарор ва унинг ижросига ҳам боғлиқ. Шу боисдан ҳам ҳукуматимиз тегишли вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларига белгиланган муддат ичида 1998 йил учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари миқдорини аниқ ҳисоб-китоб қилиб чиқиш вазифасини топширди. Бунда, аввалambор, ички имкониятлардан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилди. Етишмаган маҳсулотлар эса, хориждан харид қилинади ва бунинг учун бюджетдан тегишли маблағ ажратилади. Шу мақсадда «Ўзулгуржибиржасавдо» ва унинг жойлардаги филиаллари таркибида хўжалик ҳисобидаги махсус бўлинмалар ташкил этилади, улар зиммасига давлат эҳтиёжлари учун асосий озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш бўйича биржа ва ярмарка савдоларини ташкил этиш вазифаси юкланган. Шунингдек, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ҳузурида ички бозорда харид қилинмай қолган озиқ-овқат маҳсулотларини импорт қилишга тендер ўтказишни ташкил этиш мақсадида махсус агентлик — «Ўзбектендерконсалтинг» ташкил этилдики, бу айни муддаодир.

Ана шу барча саъй-ҳаракатлар инсон учун, унинг фаровон турмуши учун эканлиги аён. Шундай экан, кўнгилни тўқ қилиб, биз ҳам эртамиз учун, мустақил юртимиз келажаги учун енг шимариб ишга киришмоғимиз, давлатимиз ғамхўрлигига фидокорона меҳнатимиз билан жавоб бермоғимиз даркор.

**Т. АБДУРАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

*● СОЛНОМА*



# МАМЛАКАТИМИЗДА ШУ КУНИ...

### 1992 ЙИЛ 19 АВГУСТ

**● Ўзбекистон Республикаси Президенти «Уй-жойлар хусусийлаштирилиши муносабати билан аҳолининг кам таъминланган табақаларини ижтимоий ҳимоялашга оид қўшимча тадбирлар тўғрисида»ги Фармонни имзолади.**

**● Элликқалъа туманида Туркиянинг «Язекс» фирмаси билан ҳамкорликда барпо этиладиган тўқимачилик корхонасига пойдевор қўйилди.**

### 1993 ЙИЛ 19 АВГУСТ

**● Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»ги Қонуни лойиҳаси матбуотда чоп этилди. Бу мамлакатимизнинг бозор иқтисодиётига ўтиш йўлида ташланган муҳим одимларидан бири бўлди.**

### 1994 ЙИЛ 19 АВГУСТ

**● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов француз тилида чоп этиладиган оммавий нашрлардан бири «Пари матч» журнали мухбирлари Катрин Брасс ва Риккардо Корриасни уларнинг илтимосига кўра қабул қилди. Маълумки, мазкур журналнинг Европа нашри 25 мамлакатда тарқатилади ва 2 миллиондан ошиқ ўқувчиси бор.**

### 1995 ЙИЛ 19 АВГУСТ

**● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ғузор -- Бойсун -- Қумқўрғон» янги темир йўл линиясини қуриш масалалари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Бу фойдали қазилмалар конларини комплекс ўзлаштириш, темир йўлда юк ташишнинг транспорт таъминотини яхшилаш, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг янги минтақалари ишлаб чиқариш ва ижтимоий вазифаларини ҳал этиш, Ўзбекистон Республикасининг ягона темир йўл тармоғини шакллантириш борасидаги муҳим ҳужжатдир. Айни кунларда унинг ижросини таъминлаш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.**

